

2011-yil, 27-sentabr. Seshanba

• 116 (31.392)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

Буюк ва мукаддассан, мустақил Ватан!

Бунёдкорлик ва ободлик уйгунлиги

Бунёдкорлик — теран томирларга таяниб, ўз тарих сахифаларини ёзиш, хаёт мазмунини англаб етиш, яратиш завки ва кувончи билан яшаш демак. Бу аждодлар ва авлодларни богловчи ўзига хос риштадир. Мустақиллик йилларида бунёдкорлик маданияти хаётимизга янада чукуррок сингиб бораётганига сабаб хам шу — янгиликка интилиш, яратувчанлик халқимизнинг қонида бор.

Яқинда газета тахламларини варақлаётиб, Президентимиз Ислом Каримовнинг 1990 йил 24 март куни парламент сессиясида сўзлаган нутқидаги шундай сўзларни ўқидим:

«Биринчи навбатда, миллий маданиятимиз, халқ маънавий бойлигининг илдизларига эътибор бериш зарур. Бу хазина асрлар давомида мисқоллаб тўпланган. Тарихнинг не-не синовларидан ўтган. Инсонларга огир дамларда мадад бўлган. Бизнинг вазифамиз — шу хазинани кўз қорачиғимиздек асраш ва янада бойитиш».

Дархакикат, дарахтнинг илдизлари она заминдан узилмаса. кўкка бўй чўзиб. хосил бераверади. Мохиятан, ўз тарихи, анъаналари ва қадриятларига эга миллатнинггина бунёдкорлик салохияти юкори бўлади. Зеро, давлатимиз рахбари таъкидлаганидек, ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Тарихий хотираси бор инсон иродали инсондир.

Шу боис мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов рида барча сохаларда амалга оширилаётган ислохотлар ўзининг тарихий асосларига эга. Бошқача айтганда, аждодларимиз қолдирган бой мерос бугунги авлодлар салохияти билан янгича маъно-мазмун касб этмокда, янада бойимокда.

Бу жиҳатлар ўтган йигирма йил давомида миллий шахарсозлик маданиятини тиклаш ва ривожлантириш борасида амалга оширилган кенг қамровли ишларда ҳам яққол намоён бўлаётир.

Маълумотларга қараганда, милоддан аввалги 3-2-мингйилликларда Ватанимиз худудида илк шахарсозлик асослари барпо этилган. Хусусан. Сурхондарёдаги Сополлитепадан топилган махаллаларга бўлинган қўргон, Бухородаги Қизилқир ёдгорлигига мансуб қадимий қалъа, Чуст маданиятига оид уй-жойлар боболаримизнинг буюк бунёдкорлик санъати ўша даврларда ҳам ер юзини музайян этганидан далолатдир. Кейинчалик юртимиз худудида бунёд этилган қалъаю қасрлар, шахристону работлар, мадрасаю мақбаралар махобати ва салобати билан нафақат Шарқ, балки бутун дунёни ҳайратга солгани тарихдан маълум.

Айниқса, эл-юрт ободлиги, илмфан ва маданият равнақи учун бутун куч ва салохиятини сафарбар этган бобокалонимиз Амир Темурнинг бунёдкорлик салохияти бугун ҳам инсоният учун юксак ибрат намунасидир. Сохибқирон қудрати билан Самарқанд, Бухоро, Кеш сингари шаҳарларда қад ростлаган қанчадан-қанча маърифат масканлари туфайли қадим Мовароуннахр илм-фан марказига айланган. Самарқанд теварагида бунёд этилган Миср, Дамашқ, Бағдод, Шероз ва Султония деб аталган шаҳарчалар, Боғи шамол, Боғи бехишт, Боғи Давлатобод, Боги чинор, Боги дилкушо каби ажойиб сайлгоху чорбоглар ўша давр одамларининг энг севимли масканларидан

Хаёт йўллари хамиша текис

бўлмаганидек, эл-юртимиз тарихнинг суронли кунларини хам бошидан кечирган. Бирок аждодларимиз қурган иморатлардан ғишт қўпорганлар, муқаддас масканларни хароб қилганлар халқимизнинг қон-қонига, суяк-суягига сингиб кетган бунёдкорлик салохияти ва маданиятини, барибир, йўқотолмади. Майса тошни ёриб, ёруғликка талпинганидек, халқимиз хам хамиша ободликка интилиб

Бу жиҳатлар, айниқса, истиқлол йилларида янада ёркинрок намоён бўлмокда: ободлик кундалик ҳаётимизнинг ажралмас кисмига айланди, Ватанимизнинг дунё цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини дунё ахли яна бир бор этироф

Давлатимиз рахбарининг ташаббуси билан ўтган йиллар мобайнида Бухоро, Хива ва Термиз шахарларининг 2500, Қаршининг 2700, Самарқанднинг 2750, Маргилоннинг 2000, Тошкентнинг 2200 йиллик юбилейлари кенг нишонланди. Юбилейлар муносабати билан ўткарахнамолигида истиклол йилла- зилган халқаро илмий конференцияларда дунё олимлари икки минг йилдан зиёд ёшга эга шахарлари мавжуд давлатлар дунёда санокли эканини, мазкур шахарларимиз эса инсоният тарихининг турли даврларида улкан ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, илмий, маданий ва маърифий марказлардан бўлганини алохида таъкидладилар.

Энг мухими, буларнинг барчаси ўзбек халқи асрлар давомида ўз уйини доимо ўзи обод қилиб яшаган, ўзига хос ҳаёт қоидалари ва тафаккур тарзига эга миллат эканини, бировдан ўрганишдан кўра, ўргатишга арзирли мероси кўплигини хаммага яна бир намоён этди.

 Мустакиллик йилларида тарихий шахарларимизнинг хар бири ўз тарихий анъаналарига муносиб тарзда қайта тикланиб, янгича мазмун билан бойитилди, — дейди Тошкент архитектура-қурилиш институти профессори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган архитектор Тўлқиной Қодирова. — Хусусан, Самарқанддаги Регистон, Бухоро арки, Хивадаги Ичанқалъа, Термиздаги Султон Саодат, Тошкентдаги Хазрати Имом (Хастимом) мажмуалари ўзининг қадимий қиёфасига қайтарилди. Уларнинг атрофида бунёд этилган бино ва иншоотлар, йўллар, кўприклар, меҳмонхоналар, турар-жойларнинг ҳар бири яхлит меъморий ечими билан алохида ан-

самблни ташкил этди. Бу жараёнда Самарқанд шахрининг тарихий қисми, кўхна Афросиёб шахристони қўриқхонага айлантирилиб, атрофидаги кичик транспорт йўналишлари, пастқам ва кўримсиз иморатлар олиб ташланди. Бухородаги Арк, Исмоил Сомоний мақбараси худудида анъанавий бог санъати усулида сўлим хиёбонлар ташкил этилди. Бир вақтлар тўрт томонидан емирилиб, омборхона ўрнида фойдаланилган Жомеъ Калон масжиди таъмирлангач, яна файзли гўшага, маърифат масканига ай-

(Давоми 2-бетда.)







Етакчи ва таргиботчилар

сиёсий билимини ошириш давр талаби

Якинда Ўзбекистон Халк демократик партияси Марказий Кенгаши Тошкент шахар ва Тошкент вилоят кенгаши билан хамкорликда «Йигирма йиллик мустақил тараққиёт: демократик ислохотлар хамда янгиланиш жараёнларида ЎзХДП вазифалари ва иштирокини фаоллаштириш» мавзусида давра сухбати ўтказди.

Ўтган йигирма йил ичида халқимиз қўлга киритган беқиёс ютуқлар хурлик, озодлик ва эркинлик шарофатидан, албатта. Шу улуг хакикатни фукаролар, хусусан, ёшлар онгига сингдириш мухим ахамиятга эга. Бу жараёнда партиямиз иштирокини янада кучайтириш ва тизимли ривожлантириб бориш мақ-

садга мувофикдир.

Давра сухбати иштирокчилари бу ютуқлар замирида оқилона ички ва ташқи сиёсат билан бирга, халкимизнинг матонатли мехнати ётганини таъкидлашди. Бу жараёнда сиёсий партиялар фаолияти, ЎзХДП депутатлик гурухлари ва бошлангич ташкилотлар иштироки масаласига алохида эътибор қаратилди. Шунингдек, 1989-1991 йилларда ватанимиз мус-

тақиллиги йўлида олиб борилган кураш, ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий вазиятга бағишланган «Мустақиллик арафасида ёхуд шўроларнинг сўнгги талвасаси» номли хужжатли фильм намойиш этилди.

— Бугунги тадбир юртимиздаги ўзгаришлар ва бунёдкорлик ишлари мазмун-мохиятини кенг жамоатчиликка етказишга, етакчилар ва таргиботчилар сиёсий билимларини янада мустахкамлашга қаратилган, — деди ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева. — Мазкур жа-

рокини янада ошириш ва тизимли равишда ривожлантириб бориш максадга мувофикдир. Жойлардаги бошлангич партия ташкилотлари ва махаллий Кенгашлардаги депутатларнинг юрт равнақи, Ватан тараққиёти ва турмуш фаровонлиги йўлидаги фаолиятини янада кучайтириш давр талабига айланди. Колаверса, бугунги фильм мазмун-мохиятини кенг жамоатчилик орасида тарғиб ва ташвиқ қилишда партиямиз етакчилари, таргиботчилар фаоллик ва ташаббус кўрсатиши за-

раёнда партиямиз ишти-

(Давоми 2-бетда.)

Хушхабарлар!

Жануб жавохири Термиз

«Дунёнинг энг қадимий тарихий шахарлари» рўйхатига киритилди

Термиз мамлакатимизнинг жанубий дарвозаси, деган таърифда теран хикмат бор. Сурхон вохаси жанубий қўшнимиз Афғонистон билан туташ. Термиз денгиз сатхидан 3 минг метр баландда қад ростлаган.

Бу қадим шахар дунё тамаддунида ўз ўрнига эга. Маълумки, бир неча йил муқаддам Термиз шахрининг 2500 йиллик тўйи кенг нишонланди.

Яқинда Вьетнамдан хушхабар келди. Унда маълум қилинишича, Жануб жавохири деб ном олган Термиз тарихий шахарларни рўйхатга олувчи директорлар Кенгаши йигилиши қарори билан «Дунёнинг энг қадимий тарихий шаҳарлари» рўйхатига киритилди.

Кушма корхона

дорилари хорижга экспорт қилинади

Кейинги йилларда Термизда ўнлаб янги тураржойлар, бетакрор иншоотлар ва ажойиб спорт-согломлаштириш масканлари иш бошлади. Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида вилоят марказида «Новофарм» Ўзбекистон-Хиндистон қўшма корхонаси фойдаланишга топширилди.

Лойиха қиймати 2 миллион АҚШ долларини ташкил этган бу корхона замонавий технологиялар билан жихозланган, йилига 60 хилда, 220 миллион дона турли дори-дармон ишлаб чиқариш салохиятига эга. Қўшма корхонанинг ишга тушиши туфайли 25 киши иш билан таъминланди. Шуни ҳам айтиш керакки, корхонада ишлаб чиқарилган дори воситаларининг 60 фоизи Хамдўстлик мамлакатларига экспорт қилиниши кўзда тутилган. Корхонанинг 2-навбати ишга тушиши билан суюқ ва суртма дори воситалари хам экспорт қилинади.

Абдумалик ХАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

УзХДП:

Харакат дастури амалда

Маиший ва сервис хизмат кўрсатиш

хисобига янги иш ўринлари кўпаймоқда

Ислохот ва масъулият

Тафаккурдаги янгиланиш

ва унинг мевалари

Ешлар ахборот технологияларини пухта эгалламоқда

Наманган вилоятидаги Учкургон ахборот технологиялари ва сервис касб-хунар коллежида ўкувчиларга информатика асослари фанини мукаммал ўргатишга алохида эътибор қаратилмоқда.



Мазкур ўқув даргохида «Nokia Siemens Networks» компанияси хомийлигида замонавий компьютер синфхонаси ташкил этилди. Компьютерларни ўрнатиш, созлаш, тегишли дастурлар билан таъминлаш ҳамда интернет тармогига улаш ишлари «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси томонидан бажарилди. Шунингдек, мазкур компания хомийлигида коллеж ўқувчилари бир йил мобайнида интернет тармогидан бепул фойдаланадиган

бўлди. Коллежда компьютер синфининг ташкил этилиши ва унинг интернет тармогига улангани ёшлар учун янги қулайликлар яратди. Энди улар ҳам шаҳарлик тенгдошлари қатори глобал тармоқдан фойдаланган холда ўз билимларини янада бойитиш имконига эга бўлди.

Хотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА)

олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2011 ЙИЛ 27 СЕНТЯБРДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

1 Австралия доллари 1 Англия фунт стерлинги

1 БАА дирхами

1 АҚШ доллари

2699,54 475.59 1746,60 1 Миср фунти 1 Канада доллари 1 Хитой юани

1688,19

548,04

1 Туркия лираси

2723,28 952,81 1918.08 2379,84

10 Жанубий Корея вони 10 Япония иенаси

1 Россия рубли

228,70 219,05





Етакчи ва таргиботчилар

сиёсий билимини ошириш давр талаби

(Давоми. Боши 1-бетда.)

 Истиклолнинг ластлабки йилларидан давлатимиз юрт тинчлиги, халқ осойишталиги ва турмуш фаровонлиги масаласига алохида эътибор қаратди, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Дилбар Холиқова. — Йигирма йиллик тараққиёт йўли биз хеч кимдан кам эмаслигимизни кўрсатди. Айникса, жахон молиявийиқтисодий инқирози даврида кишиларимиз нечогли бунёлкор ва мехр-окибатли эканини намойиш этди. Кичик бизнес сохасида очилаётган янги иш ўринлари, саховатпеша инсонлар химмати шундай дейишга асос бе-

Халқимиз ахил, тотув бўлиб юрт ободлиги ва фарзандлар келажаги йўлида қилаётган ишлар одамни рухлантиради, кучимизга куч қўшади. Бундай шиддатли тараққиёт одимларини барча билиши, дилдан хис этиши, унга муносиб хисса қўшиши лозим. Айниқса, партиямиз ва унинг фаоллари хар бир ишда ташаббус кўрсатиши зарур.



— Демократик ислохотларни чукурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш жараёнлари сиёсий партиялар зиммасига янги вазифалар кўймокда, — деди ЎзХДП Тошкент шахар кен-

гаши раиси ўринбосари Маргарита Ахмедбекова. — Жумладан, ахолининг хукукийсиёсий маданиятини юксалтириш, ислохотларни демократлаштириш орқали эркин фукаролик жамияти барпо

этиш, депутатлик гурухлари ва бошлангич ташкилотларнинг фаоллигини ошириш олдимизда турган долзарб вазифадир. Бу борада партиямиз махаллий кенгашлари хотин-қизлар ва ёшларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши, иш билан бандлигини таъминлашга алохида эътибор бермокда.

— Бугун йигит-қизларимиз онгида демократик янгиланиш жараёнларига дахлдорлик хисси тобора кучаймокда, - деди Тошкент вилоят партия кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчиси Маъмура Эргашева. — Айниқса, хозир намойиш қилинган фильм биз ёшларни мустақиллик ғояларини дилга жо қилиб, Ватан салохиятини оширишга, уни кўз қорачиғидек асрашга, мамлакатимиз ривожи учун буюк ишлар қилишга даъват этади.

Ўйлайманки, бугунги тадбирни жойларда яна давом эттириб, унда ёшлар иштироки кенг таъминланса, мақсадга мувофиқ бўлади.Тадбир мавзуси юзасидан иштирокчилар ўз фикр-мулохазаларини билдиришди. Бундай давра сухбатларини махаллий кенгашлар ва бошлангич ташкилотларда ҳам ўтказиш катта самара бериши таъкидланди.

Элмурод ЭГАМҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Танқиддан сўнг...

«Мақсадга эришиш учун амалий ҳаракат зарур»

■ Газетамизнинг 2011 йил 6 сентябрь сонида ушбу сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Унда халқ депутатлари Қанликўл туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП депутатлик гуруҳи қарийб икки йил давомида электорат манфаатига оид бирор масалани чуқур ўрганиб, сессия муҳокамасига олиб чиқмагани, аҳолини иш билан таъминлаш ва фаровонлигини оширишнинг муҳим шарти бўлган қишлоқ ва овулларда кичик саноат, ишлаб чиқариш, чекка ҳудудларда ижтимоий ва хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ривожлантириш борасида аниқ таклиф билан чиқмагани танқид қилинган эди.

Тахририятга мазкур мақола юзасидан жавоб келди

Жорий йил 12 сентябрь куни Ўзбекистон ХДП Қорақалпогистон республика кенгаши Ижроия қўмитасининг навбатдан ташқари кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ижроия қўмита аъзолари, республика, туман ва шахар партия кенгашлари ходимлари хамда Қорақалпогистон Республикаси Жўқорги Кенгеси ва махаллий Кенгашлардаги ЎзХДП депутатлик гурухлари рахбарлари иштирок этди.

Мажлисда «Ўзбекистон овози» газетасида чоп этилган «Мақсадга эришиш учун амалий харакат зарур» номли мақола ва унда кўтарилган масалалар мухокама қилинди.

Айтиш керакки, мақолада долзарб масала кўтарилган. Электорат орасига чуқур кириб бориш, ахоли ишончини оқлаш учун дадил харакат қилиш зарур бўлган бир пайтда депутатларнинг ташаббуссизлигини оқлаб бўлмайди, албатта. Шу сабабли мақола эълон қилинганидан сўнг республика партия кенгашида ишчи гурухи тузилиб, Қанликўл туман партия кенгаши

фаолияти ўрганилди. Туманда партиявий ишларни самарали ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берилди. Депутатлик гурухи ишини жонлантириш юзасидан амалий таклифлар ишлаб чиқилди.

Ижроия қўмита йиғилишида кун тартибидаги масала юзасидан республика партия кенгаши раиси ўринбосари Р.Исмайловнинг туман партия кенгаши ишини такомиллаштириш бўйича олиб борилган ишлар тўгрисидаги ахбороти тингланди. Шунингдек, ижрокум аъзоси Ш.Уснатдинов, «Қарақалпақстан хауази» газетаси бош мухаррири Ш.Аяпов, республика партия кенгаши бўлим мудири П.Жумамуратов, Мўйноқ, Беруний ва Нукус туман партия кенгашлари раислари А.Ниетуллаев, Х.Ешимбетов, F.Аллаяров ҳам масалага доир фикрмулохазалар билдиришди. Қанликўл туман партия кенгаши раиси Т.Қайпназаров «Мақсадга эришиш учун амалий ҳаракат зарур» номли мақолада билдирилган фикрлар ўринли эканини айтиб, кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш бўйича барча чоратадбирлар кўрилаётганини, айни вақтда электорат манфаатига оид маса-

лалар ҳам ўрганилиб, сессияга олиб чиқиш учун тайёрланаётганини таъ-кидлади.

Ижроия қўмита туман партия кенгаши раиси зиммасига мақолада кўтарилган масалаларни депутатлик гурухи, бошланғич партия ташкилотлари рахбарлари ва фаоллар иштирокида атрофлича мухокама қилиш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ режа ишлаб чиқиш ва тегишли муддатда амалга ошириш вазифасини юклали. Барча туман ва шахар партия кенгашлари раислари олдига УзХДПнинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Харакат дастурида белгиланган вазифаларни тўлиқ амалга ошириш, электорат манфаатидан келиб чиқиб, ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастури ижросини мониторинг қилиш, шу асосда туман ва шахар Кенгашлари доимий комиссиялари мажлислари хамда сессиялар кун тартибига ўткир ижтимоий масалаларни киритиш вазифаси қўйилди

Қ. ҚУРБАНБАЕВ, Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика Кенгаши раиси вазифасини бажарувчи.

Бунёдкорлик ва ободлик уй**г**унлиги

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бугун Хива шахрига борган киши ипга тизилган маржондай бир-бирига хамоханг қадимий мадрасаю мақбараларни, замонавий, баланд айвонли тураржойларни, адл минораларни кўриб, ҳайратга тушади. Шунингдек, «Шарқ дарвозаси» номини олган, тинчлик ва дўстлик рамзига айланган Тошкент шахри хам таниб бўлмас даражада ўзгарди, янгиланди. Эски шахарнинг қадимий махаллалари шахарнинг бой тарихидан, Мустақиллик майдони ва унга туташ худудлар, замонавий меъморлик анъаналари асосида бунёд этилган кўркам бинолар, мехмонхоналар, бизнес-марказлар эса буюк келажагидан нишонадир.

Мустакиллик даври шахарсозлиги ҳақида сўз борар экан, кўз олдимизга, биринчи навбатда, ёш авлоднинг маънавияти, диди ва тафаккурини юксалтириш мақсадида барпо этилган майдонлар, монументлар гавдаланади. Бугун пойтахтимиздаги Мустакиллик ва эзгулик монументи ёки Амир Темур, Алишер Навоий, «Ватанга қасамёд» сингари ҳайкаллар атрофи хамиша гавжум. Бу каби меъморий тимсоллар инсонни, албатта, ўзи, оиласи, эл-юрти, жамиятдаги ўрни, унга қўшаётган хиссаси хақида ўйлашга ундайди. Ёшларни эзгулик ва комилликка, Ватанни, истиклол инъом этган неъматларни, бугунги саодатли кунларни англаш ва ардоклашга ўргатади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг гояси ва ташаббуси билан барпо этилган «Кўҳна ва боқий Бухоро» монументи бугун биз, педагоглар учун хам, ёшлар учун ҳам ўзига хос дарсликка айланди, — дейди Гиждувон туманидаги 62-ихтисослаштирилган иқтидорли болалар мактаб-интернати ўқитувчиси Феруза Хамроева. — Хар гал монумент олдида дарс ўтарканмиз, буюк ва муқаддас Ватанимизда туғилмоқ — бахт, унга муносиб бўлмоқ — бурч, оламни махлиё айлаган диёримиз шухратини юксалтирмоқ — шараф эканлигини янада теранроқ хис қиламиз, монументда ифодаланган гояларни ўқувчиларга хаётий мисоллар билан тушунтирамиз.

Шахарларимизнинг чирой очиши хамюртларимиз қалбидаги фахр-ғурур, Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуларини зиёда қилмокда. Аслида хам ифтихор туйғуси ҳаётдан, ўзидан рози инсонга ярашади.

— Яқинда талабалик даврим ўтган Қарши шахрида бўлдим, у ернинг обод ва гўзаллигини кўриб, «қанийди яна ёш бўлиб қолсам, яна шу шахарда ўқисам», деб орзу қилдим, — дейди термизлик пенсионер Ашурали Райимов. — Куни кеча бир жиянимизнинг тўйи муносабати билан Термизда қурилган янги

«Бахт уйи»га бордик. Бу ерда энди оила қураётган ёшлар учун яратилган замонавий шарт-шароитларни кўриб, огзим очилиб қолди. Шундай тинч, обод ва фаровон юртда яшаётганимдан фахрланиб кетдим.

Чиндан хам уйи тинч, кўнгли хотиржам, дастурхони тўкин инсон курилиш килади. Бугун шахарларимизда барпо этилаётган замонавий турар-жойлар худуд кўркига кўрк кўшмокда, одамларнинг хаётдан розилигининг ифодасига айланмокда. Архитекторларимиз, айникса, ёш меъморлар миллий ва замонавий дизайн уйгунлигидаги янги-янги тураржойлар лойихалари устида изланиш олиб бормокда.

Тошкент архитектура қурилиш институти архитектура факультети магистранти Хулкар Бурхонова анъанавий ўзбек шахарсозлигига хос махалла композициясини асраб қолиш, турар-жойларнинг тарихий элементларини янада ривожлантириш ва замонавий талаблар асосида лойихалаш борасида изчил тадқиқот олиб бораётган ёш меъморлардан.

хулкар яратган турар-жой лойихасида шахарларимиздаги кадимий «ташки ва ички ховли» усули замонавий асосда кайта тикланган. Лойихада шахар ахолисининг демографик таркиби, урф-одатлари, касб-хунари, курилиш жойининг табиий шартшароити хисобга олинган.

— Бу лойиха кичик жойда кўп оилани уй-жой билан таъминлашга, қолаверса, қўни-қўшничилик, мехр-оқибат сингари халқимизга хос ноёб фазилатларни янада юксалтиришга хизмат қилади, — дейди Х.Бурхонова. — Азал-азалдан турмуш ва тафаккур тарзимизнинг ажралмас кисмига айланган бу тушунчалар инсонларни бир-бирига ёрдам бериб, жамият билан уйгун яшашга ундайди, одамга аввало ўзи, қўшнилари, махалла-кўй, эл-юрт олдидаги жавобгарлик хиссини эслатиб туради.

Ёш меъморнинг бу лойихаси Узбекистон Архитекторлар уюшмаси томонидан 2010 йилда ўтказилган «Олтин устун» XII кўрик-танловининг «Энг яхши меъмор-талаба» номинациясида хамда «Келажак овози — 2011» кўрик-танловининг архитектура ва шахарсозлик йўналиши бўйича Тошкент шахар боскичида голиб деб топилди.

...Аслида, курилишдан мақсад — ободлик. Бу фақат худуд эмас, балки кўнгил ободлигидир. Инсонлар хар бир иморат, маскан, борингки, оддий фавворада хам ўзининг эркин ва фаровон хаётини кўрса, шунга интилиб яшаса, ўзи истаган ёруг манзилга, албатта, етади. Зотан, бунёдкорлик туйгуси соглом мухитнинг, соглом мухит баркамол авлод эса буюк келажакнинг мустахкам асосидир.

Умид ЁҚУБОВ, ЎзА шарҳловчиси.

ЎзХДП: Харакат дастури амалда

Маиший ва сервис хизмат кўрсатиш

хисобига янги иш ўринлари кўпаймоқда

Буларнинг барчаси қишлоқларда савдо, маиший ва сервис хизмати яхшиланаётгани, натижада кўплаб янги иш ўринлари яратилаётганидан дарак беради.

Узбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Президентимиз илгари сурган Концепцияда белгиланган вазифалар ижроси бўйича 2011-2014 йилларга мўлжалланган **Харакат дастурини қабул қилган.** Унда қишлоқ жойларда коммунал тармоқлар ва қурилиш сохасидаги сервис хизматларни кенгайтириш хисобига янги иш жойлари очиш бўйича Жалақудуқ ва Қўргонтепа туманларида бир қатор ишлар қилиш кўзда тутилган эди. Бу вазифалар партия фаоллари ва махаллий Кенгашлардаги ЎзХДП депутатлари жонкуярлиги билан изчил адо этилмокда.

Жалақудуқ туман хокимлиги билан бандликка кўмаклашиш маркази хамкорлигида ахолини иш билан таъминлашнинг 2010-2011 йилларга мўлжалланган худудий дастури ишлаб чиқилган. Унда 4425 та янги иш ўрни яратилиши белгиланган, йилнинг ўтган даврида 3809 та

иш ўрни очилди. Халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгаши депутати Малика Юсупова Бештол қишлоқ фуқаролар йиғини Қўштепа маҳалласидаги фойдаланилмай ётган бинода тадбиркор Шуҳратбек Матисаев «Тилло инвесттекстиль» масъулияти чекланган жамият ташкил этишига кўмаклашди. Натижада 120 нафар хотинқиз ишли бўлди. Улар қаторида

коллеж битирувчилари ҳам борлиги қувонарли, албатта.

Депутат Обиджон Носиров ёрдами билан Абдуллабий кишлок фукаролар йигини «Ибрат» махалласида иш бошлаган трикотаж махсулотлари ишлаб чикариш цехида 35 нафар уй бекаси мехнат килмокда.

Ойим қишлогида замонавий савдо, маиший ва сервис хизмати кўрсатиш мажмуаси ташкил этилди, бу эса ахолига кўплаб кулайлик яратди. 11 нафар киши шу ерда иш билан банд бўлди. Қишлоққа кираверишда қад ростлаган Акбаршох чойхонасида бир пиёла чой ичишни хамма орзу қилади. Яратилган кулайликдан ахоли

Уста Қайдарали Қамбаров ясаган буюмлар кишиларга асқотаяпти. Илҳомжон Ашуров маиший асбобларни тузатиб, аҳоли ҳожатини чиҳаради.

Ёрқишлокда ҳам савдо, маиший ва сервис хизмат сифати шаҳардагидан қолишмайди. «Тошҳовуз» маҳалласида истиқомат қилувчи Хусан Азимов оиласи косиблик билан машғул, у қишлоқдошлари оғирини енгил қилаяпти. Чевар Муаззам Жалилова хотин-қизлар учун турли либослар тикади. Иномжон Эркинов тайёрлаган костюм-шимлар кўпчиликка манзур бўлаяпти. Бе-



шиксоз Ахмаджон Каримов хам одамлар хизматида.

— Қишлоқларда маиший ва сервис хизмати курсатиш куламини кенгайтириш хисобига янги иш уринлари барпо этиш масаласи халқ депутатлари Жалақудуқ туман Кенгаши депутатларининг доимий эътиборида, — дейди депутатлик гурухи

ларининг доимий эътиборида, — дейди депутатлик гурухи рахбари, туман партия кенгаши раиси Абдумуталлиб Курбонов. — Бу борада қатор ишлар қилинди. Лекин ҳали ол-

динда турган вазифалар кўп. Уларни тўлақонли адо этилиши учун янада фаол ва ташаббускор бўлишимиз лозим. Шу боис навбатдаги сессия кун тартибига мазкур масалани киритишни

режалаштирдик..

Худди шундай жонкуярликни Кўргонтепа туманида хам кўриш мумкин. Партиядошларимиз кишлокларда маиший ва сервис хизмати кўрсатишни талаб даражасига кўтаришга харакат килишаяпти. Туманнинг Дардок

қишлоқ фуқаролар йигинида 2 та махалла мавжуд. Худудда 42 та замон талабига мос савдо ва сервис хизмати шохобчаси қад ростлади. Бу — юзга яқин иш ўрни деганидир. «Оби ҳаёт» кичик корхонаси ўнлаб касаначиларни ўз атрофига жипслаштирди. Умуман олганда, ҳудудда партия фаоллари, депутатлар ва саховатпеша кишилар ҳаракати билан 300 дан ортиқ

янги иш ўрни очилди. Йил бошида Қўрғонтепа туман хокимлиги ташаббуси билан хомийлар кўмагида эски бино таъмирланиб, «Ёшлар маркази» барпо этилди. Бу ерда йигит-қизлар учун компьютер, касб-хунар ва фан тўгараклари иш олиб бораяпти.

Харакат дастурида белгиланган вазифалар ижроси туманда тўла адо этилаяпти, дейди Қўргонтепа туман партия кенгаши раиси Зулхумор Каримова. — Саккиз ойлик режа 118,2 фоизга бажарилди. Касаначилик хисобига янги иш ўринлари яратилиши давом этаяпти. Шу вақтга қадар 318 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди. Бунинг барчаси юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очилгани ва кишиларга қулай имконият яратилаётгани туфайлидир. Натижада халқимиз тинч, оиласи хотиржам, турмуши эса

Айтиш керакки, икки кушни туман — Жалакудук ва Кургонтепада амалга оширилаётган ишлар, умуман, электорат манфаатини химоя килиш йулидаги ибратли тажриба диккат-эътиборга лойик. Улардан бошка туманлар хам урнак олса электорат манфаати йулидаги амалий ишларимиз янада купаяди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Ислохот ва масъулият

Тафаккурдаги янгиланиш ва унинг мевалари

■ Инсоннинг табиати қизиқ. Ҳаётда ҳамиша янгилик излаб яшайди. Бир-биримиз билан дийдорлашганда, ҳол-аҳвол сўрашганда: «Қандай янгиликлар бор?» — деб қизиқамиз. Ижобий маънодаги ўзгаришларни сўраймиз. Агар суҳбатдошимиз маънавий эҳтиёжини қондира оладиган бир янгилик айтсак, кўнгил яйрайди, ҳар икки томон эзгуликдан баҳраманд бўлади.



«Жиззах аккумулятор заводи» очиқ акциядорлик жамиятида бўлганда, унинг худудига қадам кўйганда анчамунча янгиликлар кўнглингизни хушнуд этади. Корхона ховлисининг ўзи кишини махлиё қилади: ям-яшил майсазор кўркам гулзорга табиий уйгунлашиб кетган. Бу ердаги ноёб ва хушманзара дарахтлар ўзига хос ботаника богини эслатади.

Рухингиз енгил тортган холда корхона ичкарисига қадам қўясиз. Ишчиларнинг ювиниш бўлмалари, кенг ва ёруг ошхоналар, бу ердаги озодалик инсон учун қандай шароит яратилганини айтиб туради.

«Жиззах аккумулятор заводи» вилоятда йирик ва пешқадам корхоналардан хисобланади. Бу ерда Марказий Осиё минтақасида ноёб бўлган махсулот — аккумулятор батареялар «CLASSIC» савдо белгиси остида чикарилади. Бундай эътирофни халқаро «ISO 9001:2000» сифат сертификати, Англиядаги Европа бизнес иттифокининг «Европиан кволити» нишони ва Франциядаги Савдо фаоллари клубининг «Голден Трофи фор кволити» белгиси ҳам тасдиқлайди. Ўтган йили ишлаб чиқарилган маҳсулот хажми 28.5 миллиард сўмликни ташкил этди. Бу йил 34 миллиард сўмлик кўрсатгич кўзда тутилган. Жорий йилнинг етти ойида ўсиш 135 фоизни

Хўш, бундай натижаларга нималар хисобидан эришилмоқда? «Жиззах аккумулятор заводи» очиқ акциядорлик жамияти раиси Қудратилла Рафиқов саволимизга жавобан:

ташкил этди.

— Ишлаб чиқаришни модернизациялаш фаолиятимизнинг бош йўналиши этиб бел

гиланган, — деди. — Давлатимиз рахбари «Жахон молиявийиқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобида модернизациянинг заруратини жуда чуқур асослаб берган. Биз ишни цехлардаги технология билан бирга, кишиларимиз тафаккури-

ни янгилашдан бошладик...

Тафаккурни янгилаш. Бу сўз бизга хам янгиликдай туюлди. Корхона рахбари ана шундай фикр юритишининг ўзи хам хаётга янгича муносабат аслида. Бу ерда оддий ишчихизматчиларнинг онгу тафаккури янгиланиши қандай кечди? Президентимиз Конституция куни ва йил якунларига бағишланган йиғилишда, жуда мухим устувор йўналишларни белгилаб беради. Бу маърузаларни корхона жамоаси телевизор орқали биргаликда кўради ва мухокама этади. Юртбошимиз берган қимматли кўрсатмалардан келиб чиқиб, корхонада қандай иш юритиш кераклиги кенгашиб олинади. Эътиборлиси шундаки, асосий таклифлар цех бошлиқлари, оддий ишчилар томонидан билдирилади.

Табиийки, ўринли айтилган фикр ва ташаббус рахбарият томонидан «Баракалла», «Рахмат», «Жудаям тўгри!» — деган олқишлар билан рағбатлантириб борилади. «Сиз ундай қилинг», «Сиз бундай қилинг», деган кўрсатмадан кўра, одамларнинг ўзидан ташаббус чиқиши ва уни қўллаб-қувватлаш ўртасида катта фарқ бор. Жамоа манфаатини кўзлаб фойдали таклиф айтган ходимнинг рухий холатини бир тахлил килайлик. У ўзи билдирган фикр кўпчилик томонидан, жумладан рахбарият тарафидан маъқулланганидан куч олади, ўзига ишончи ортади. Кундалик фаолиятда ўз сўзида собит туриш учун интилади. Қолаверса, нуқтаи назари давр қўяётган талабларга мос келганлигидан мамнун бўлади.

Янги амалий таклифлар излаб, ёниб, интилиб яшайди.

Корхонада ишлаб чикаришни модернизациялаш фақат жамоа ичкарисида қолиб кетмайдиган, балки шерикларда хам давом этадиган яхлит ва бир бутун тадбир эканлиги тўлиқ англаб етилган. Бугунги давр шиддатига монанд ишлаш учун дастгохларни алмаштириш зарурлиги барчага аён эди, шу жараёнда юкори сифатли махсулот тайёрлашга эришилди. АКШ. Германия. Италия. Мексика ва Даниядаги илгор компанияларнинг мукаммал технологиялари жорий этилиши хисобига кальцийли қотишмадан чузилган пластиналар ти-

зими амалиётга татбиқ этилди. Бугунги кунда ўзининг рақобатбардошлиги, харидоргирлиги ва корхона учун самарадорлиги билан ажралиб турган кальцийли аккмулятор батареялари ички бозоримиздаги «GM Uzbekistan», «Самавто», «МАНавто» корхоналари, Россия Федерацияси. Козоғистон ва Афғонистон каби хориждаги корхоналарда ишлатилиши туфайли мазкур ҳамкорлар фаолиятида хам модернизациялашув жараёни жадаллашди.

 Биз ўзимиз тайёрлаётган маҳсулот туфайли чет элларда Ўзбекистон номи тилга олинаётганидан, ишимизга хурмат-эхтиром билан карашаётганидан ғурурланамиз, дейди «Мехнат шухрати» ордени сохиби, цех устаси Холдор Холматов. — Эришаётган ютуқларимиз ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Мен ўзим АҚШ ва Туркия каби давлатлардаги турдош корхоналарда малака ошириб келдим. Гап фақат дастгохнинг тилини билишда эмас, балки бу ишни санъат даражасига кўтаришда. Мен хорижга бориб келгач, қанчалик мухим иш қилаётганимизни чуқур хис қилдим.

Автомобилнинг юраги мотор дейишади. Тўгри гап. Ана шу моторни ҳаракатга келтирадиган, унга куч-қувват бахш этадиган манба — бу аккумулятор батареялари. Бу мухим кисм Жиззахдаги корхонада ишлаб чиқарилади. Корхонага энергия берувчи, унинг жўшкинлигини таъминловчи манба эса — бу ерда мехнат қилаётган қўлигул ишчилар. Улар ўз касбини санъат даражасига кўтариш, ўз махсулоти билан одамларни рози қилиб яшашга интилмокда...

> Шухрат ЖАББОРОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.



Мехнат ярмаркаси

■ Самарқанд шаҳар ҳокимлиги, шаҳар прокуратураси ва бошқа ҳамкор ташкилотлар ташаббуси билан буш иш уринлари меҳнат ярмаркаси утказилди. Унда шаҳардаги 82 та саноат ва ишлаб чиқариш корҳонаси 2148 та буш иш уринлари билан иштирок этди.

Самарқанд молия-иқтисод коллежини тамомлаган Мухам-мадозод Худойбердиев:

— Ярмарка ҳаётимда муҳим ўзгариш ясади, — дейди. — Мен бўш иш ўринлари билан танишдим, Самарқанд кимё заводидаги иқтисодчи вазифаси маъқул бўлди. Хуллас, корхонанинг иқтисодчиси вазифасига ишга ҳабул қилиндим.

— Бизнинг корхонамиз навбатдаги мехнат ярмаркасида 3 та буш хамда 3 та квота иш ўринлари билан қатнашди, — дейди «Халқамир Мехр» МЧЖ ходимлар булими бошлиғи Мех-

ри Хусанова. — Ярмаркада 6 нафар ёш ишга қабул қилинди. Самарқанд шахар Бандликка күмаклашиш ва ахолини ижти-

Самарқанд шахар Бандликка кўмаклашиш ва ахолини ижтимоий мухофаза қилиш маркази директори ўринбосари Шерзод Тўлагановнинг айтишича, ярмарка давомида 250 дан ортиқ йигит-қиз ишга йўлланма олди. Бир қатор ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишган, уларга тегишли йўл-йўриқ кўрсатилган.

Абдували ХУДОЁРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Яна бир мехмонхона

Яқинда яна бир замонавий иншоот ўз фаолиятини бошлади. 72 ўринли мухташам янги мехмонхона «Хаёт» деб аталади. Бу ерда

сайёхларга юксак даражада хизмат кўрсатиш тизими яратилган. Энг асосийси, шу муносабат билан йигирмата ишчи ўрни очилди. Янги иш ўринларига хорижий тилларни мукаммал биладиган — Урганч давлат университети, Тошкент давлат жахон тиллари университети ва Хива туризм коллежини битирган ёшлар қабул қилинди.

Экспортбоп махсулотлар

Богот туманидаги «Коботекс» масъулияти чекланган жамиятда жахоннинг тараққий топган давлатларида ишлаб чиқарилган энг сўнгги русумдаги дастгохлар ўрнатилган, шу сабабли корхона махсулоти сифати хавас қиладиган даражада.

Шуни ҳам айтиш керакки, янги технология ишлаб чиқариш ҳажмини бир неча ҳисса оширди. Йил охиригача бу ерда 6 миллиард 800 миллион сўмлик ип калава йигирилиб, тўрт миллион АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот

хорижга экспорт қилинади. Жамиятда 120 киши мехнат қилади. Уларга юқори маош, ишлаш ва дам олиш учун барча шарт-шароит яратилган.

Рўзимбой ХАСАН, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Реклама

Иқтисодиёт ва ислохот

Мижозлар ишончи ошмоқда

■ «Агробанк» очиқ акциядорлик тижорат банки мамлакатимиз халқ хўжалигининг барқарор суръатларда ривожланиб боришига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Бу борада банкнинг Самарқанд вилоят бошқармасида кўп ибратли ишлар қилинаётир. Бошқарма ўзининг жойлардаги 19 та филиали, 27 минибанки ва 26 та махсус кассалари орқали барча мулкчилик шаклидаги 21 мингдан зиёд юридик ва 142 мингга яқин жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиб келмоқда.

Утган йилнинг шу даврига нисбатан банк капитали 122 фоизга, активлари 119 фоизга, ресурслар базаси эса 120 фоизга ўсди. Натижада банк кредит қўйилмалари 2011 йил 1 август холатига 115,9 миллиард сўмни ташкил этди. Яъни, қишлоқ хўжалиги сохасига 42,5 миллиард сўм, моддий техника ва таъминотга 26,7 миллиард сўм, савдо ва хизмат кўрсатишга 8,2 миллиард сўм, саноатга 11,2 миллиард сўм ва бошка сохаларга 27,3 миллард сўм миқдорида кредит ажратилди. Шу хисобдан минглаб янги иш ўринлари яратилди, махаллий ишлаб чиқариш суръатлари тобора ошиб бормокда.

Президентимизнинг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонидан келиб чиқиб, банкрот деб эълон қилинган музқаймоқ ишлаб чиқариш корхонаси банк балансига ўтказилди. «Samarqand Agromuz» МЧЖ номли корхонага 1,0 миллиард сўм микдорида инвестиция киритиш режалаштирилган.

— Хозирга қадар банк томонидан 513,8 миллион сўм микдоридаги инвестиция маблаглари киритилди, — дейди корхона рахбари Мурод Солиев. — Музкаймок ишлаб чикариш цехи, сут ва сут махсулотларини ишлаб чикариш цехи,

аммиак цехи, электроцех, фрион цехи, совуткичларни таъмирлаш цехи, қозонхона ва мингдан зиёд музлатгичлар қайта таъмирланди. Эндиликда ойига 50 миллион сўмлик 6 хил музқаймоқ ва 8 хил турдаги сут махсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган, 45 та иш ўрни яратилиб, ёшлар иш билан таъминланди. Келажакда корхона тўла ишга тушиши натижасида 200 дан зиёд янги иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган.

Бошқарма томонидан қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни қўллаб-қувватлаш, фермер хўжаликларига молиявий кўмак бериш орқали агротехник тадбирларни ўз вактида ва самарали ўтказиш учун жорий йилнинг ўтган даври давомида 16,5 миллиард сўмга якин кредит маблаглари ажратилди. Шунинг хисобидан уруглик картошка, кўчат, полиз экинлари уруглари ва хар хил русумдаги техникалар харид қилинди.

Жорий йилнинг ўтган даврида мингга якин кичик бизнес субъектларига молиялаш манбалари хисобидан 5,8 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди ва кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,6 баробарга ошди. Шахсий ёрдамчи хўжалик, дехкон ва фермер хўжаликларига мева кўчатлари сотиб олиш, боглар, жумладан, интенсив боглар барпо этиш учун 500 мил-

лион сўмга якин кредитлар берилди. Масалан, Жума филиали мижози бўлган «Фарход» фермер хўжалигига 100 миллион сўм, Иштихон туманидаги «Авангард-ШМЗ» фермер хўжалигига 50 миллион сўм интенсив бог барпо этиш учун нихол сотиб олишга кредит

ажратилди. Президентимизнинг «Махаллий ноозик-овкат истеъмол товарлари ишлаб чикаришни кенгайтириш ва рагбатлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўгрисида»ги қарорига асосан 3,2 миллиард сўм, «Озиковқат товарлари ишлаб чикаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўгрисида»ги қарорига асосан 6,2 миллиард сўм микдорида кредитлар ажратилди.

— Лоиш шахарчасида паррандачилик билан шуғулланяпман, — дейди «Бек нур Окдарё» фермер хўжалиги рахбари Ўктам Хусанов. — Парранда гўшти ва тухум етиштириб, эл дастурхонига етказиб бериш мақсадида банкдан олган 40 миллион сўм кредит хисобига кўплаб жўжа

сотиб олдим. Айни пайтда товуқпар тухумга кириб қолди. Хадемай бозорга пархез гўшт ҳам, тухум ҳам чикарамиз.

Пайарик туманидаги «Али-

шер парранда сервис» хусусий корхонаси хам банкдан 30 миллион сўм кредит олиб паррандачиликни оёққа қўйди. Иштихон туманидаги «Ровотлик Юсуф РМЮ» фермер хўжалиги 75 миллион сўм. Жомбой туманидаги «Хонбуви Абдуллаева» фермер хўжалиги рахбари Хурбуви Абдуллаева 100 миллион сўм кредит олиб, зотли корамолларни кўпайтирмокда. Пастдаргом туманидаги «Бахрилла Бердияров» фермер хўжалиги банкдан олган 50 миллион сўм кредит хисобига наслли қорамолни кўпайтирди ва парвариш килмокда. Бошқарма ахолининг озик-овкат махсулотларига бўлган эхтиёжини таъминлаш. ички истеъмол бозорини озик-овкат ва ноозиковкат махсулотлар билан тўлдиришга хисса қўшиш ниятида 2009-2010 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастурига биноан киймати 16 миллиард сўмни ташкил қилган 182 та

лойихани молиялаштирди. Бошқарма томонидан кичик бизнес ва хусусий тад-

вошкарма томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни хар томонлама кўллаб-кувватлашга алохида эътибор каратилмокда. Негаки, бу соха вакиллари ишлаб чикаришни жадал ривожлантириш, ички бозорни махаллий истеъмол моллари билан тўлдириш хамда янги иш ўринлари яратишда, кискаси, ахоли турмуш фаровонлигини оширишда мухим кучдир.

Усмонкул СУЛТОНОВ, Тайлоқ туманидаги «Vang-Gu Bogisog'on Agro» масъулияти чекпанган жамият райси:

ланган жамият раиси: – Биз Ўзбекистон – Корея қўшма корхонаси сифатида фаолият олиб бораяпмиз. Асосан картошкачиликни ривожлантиришга харакат қилаяпмиз. Яқинда картошка уругликларини янги технологиялар асосида кўпайтириш ускунаси сотиб олдик. Бунинг учун «Агробанк»нинг Самарқанд вилоят бошкармаси 300 минг АҚШ доллари микдорида кредит ажратди. Айни пайтда мўл ва сифатли картошка етиштираяпмиз. Шу билан бирга, 60 та иш ўрни

дан киий тадмонлакорхонаси рахбари: па алопмокда. симга эга бўлишни орзу киллари килардим. Аввалига олдидал рисотди килсаммикин, деб

Али БЎТАЕВ,

ўйладим. Кейинчалик халкимиз учун зарур махсулот ишлаб чикариш самарали эканини анлаб етдим ва кредит олиш максадида «Агробанк»нинг вилоят бошқармасига мурожаат қилдим. Улар мен тақдим этган лойихани кўриб чиқиб, маъқуллашди. Кредит эвазига цех бунёд этиб, хориждан замонавий дастгохлар келтириб ўрнатдик. Маҳаллий корхоналардан хомашё сотиб олдик. Кисқа муддатда ишлар юришиб кетди. Замонавий технология ўрнатганимиз боис махсулот сифати, иш унуми ошди. Шиферларимизни кўплаб қурилиш ташкилотлари ва уй-жой қураётган ахоли сотиб олмокда. 50 та иш ўрни ярат-

Бу йил вилоят «Агробанк» бошқармаси жамоаси янги ташаббус билан чиқди. Улар вилоятни боғ-роғларга айлантирамиз деган ният билан қарийб 20 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экишди.

Банкда ахолининг барча қатламига мўлжалланган 25 дан зиёд омонат турлари мавжуд бўлиб, кўпчилик эътиборини жалб қиладиган «Истиклол-2011» муддатли омонат турига маблаг қабул килинмокда.

Хуллас, «Агробанк»дан кўплаб кредит олганлар, эхтиёжидан ортикча пулини омонатга кўйиб, бадавлат бўлаётганлар ўз кувончларини яширмаяптилар. Демак, банк мижозлари миннатдор.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ, Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари.



«АГРОБАНК»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

юридик шахслар учун мўлжалланган номинал киймати 1 000 000 сўмлик, муомала муддати 12, 24 хамда 36 ойлик депозит сертификатларини таклиф этади.

Президентимизнинг 2009 йил 28 июлдаги ПҚ-1166 Қарорига асосан тижорат банкларининг депозитларига ва қимматли қарз қоғозларига 1 йилдан ортиқ муддатга жойлаштиришдан олинадиган фоизли даромадлари бўйича юридик шахслар беш йил муддатга солиққа тортишдан озод этилади.

Сиз депозит сертификатларини «Агробанк»нинг исталган филиалидан сотиб олишингиз мумкин.

Тўлиқ маълумот олиш учун қуйидаги телефонларга мурожаат этишингиз

(8-371) 150-53-66, 150-85-12.

2011-yil, 27-sentabr. Seshanba


Спорт

Ульяна Трофимова

Лондон олимпиадасига боради

Франциянинг Монпелье шахрида бадиий гимнастика бўйича ўтказилган жахон чемпионати нихоясига етди.

Етакчи гимнастикачимиз Ульяна Трофимова чемпионатда медалларни қўлга киритмаса-да, кўрсатган натижалари жахон спортининг нуфузли анжумани — Лондон олимпиадасида қатнашиш хуқуқини берувчи йўлланма учун етарли бўлди. У бадиий гимнастика бўйича Олимпиадада қатнашиш хуқуқини қўлга киритган юртимизнинг биринчи спортчиси сифатида қайд этилди.



Саккизта медаль!..

Алмати шахрида дзюдо бўйича жахон кубогининг навбатдаги боскичи бўлиб ўтди.

Унда хамюртларимиз битта олтин, 4 та кумуш, 3 та бронза медаллари билан умумжамоа хисо-

бида учинчи ўринни эгаллашди. 100 кг вазнда Ўткир Қурбонов жамоадоши Рамзиддин Саидовни енгиб олтин медаль билан тақдирланди. Хуршид Набиев (90), Абдулла Тангриев (+100) ва Римма Бердиқулова (52) ҳам ўз вазн тоифаларида кумуш медални қўлга киритишди. Габит Есимтетов (60), Наврўз Жўракобилов (73), Дилшод Чориев (90) эса жахон кубогининг бронза медаллари билан кифояланишди.



Еш муайтайчиларимиз муваффакияти

Тошкентда муайтай бўйича ёшлар, катталар ва хотинқизлар ўртасида давом этаётган жахон чемпионатида ўзбекистонлик муайтайчилар юкори махорат ва салохиятга эга эканини намойиш этишмокда.

«В» гурухида иқтидорли муайтайчимиз Фирдавс Хошимов 57 килограмм огирликдаги бахсларда жанубий кореялик Чан Кай Лок, даниялик Юлиан Бенгстен ва киргизистонлик Данияр Каскараевни енгиб, финалга чиқди. Хал қилувчи беллашувда козогистонлик Адилет Тукенбаевни маглубиятга учратган хамюртимиз жахон чемпионатининг олтин медалини қўлга киритди. Ушбу гурухда иштирок этган хамюртларимиздан Асқаржон Яллаев, Илхом Сотиволдиев ва Жасур Мирзамухаммедов хам ўз вазн тоифасида тенгсиз эканини исботлаб, шохсупанинг энг юқори погонасидан жой олди. Спортчиларимиздан Бехзод Жиянов ва Элдор Багиров кумуш медални қўлга киритган бўлса, Равшан Каххоров, Бобур Жўраев ва Санжар Юсупов бронза

медаль билан такдирланди. Мусобақанинг 51 килограмм оғирликдаги спортчилар бахсида хамюртимиз Жахонгир Йўлдошев ҳал қилувчи беллашувда қозоғистонлик Иска Хасановни муддатидан олдин маглубиятга учратган бўлса, вазни 40 килограмм бўлган муайтайчилар ўртасидаги финал бахсида қатнашган Темур Хамроев қирғизистонлик Гор Далбособни енгди. Шунингдек, истеъдодли спортчиларимиз Алижон Исроилов ва Ислом Маърупов хам ёшлар ўртасида жахон чемпиони бўлди. Ёшлар гурухида юртдошларимиз-

дан Наим Тўхтабоев, Бахром Вахобов ва Самандар Турсунохунов кумуш медални қўлга киритган бўлса, Фирдавс Маннонов, Икром Абдухалилов, Султон Шаркаев ва Дилшод Хусниддинов бронза медаль билан такдирланди.

Шунингдек, «В» ва ёшлар гурухи беллашувларида туркиялик Эрдоян Айзерен, россиялик Алиер Рамазанов, Закорга Зубаиров, жанубий кореялик Деокжае Юн ва филиппинлик Робин Каталан олтин медални қўлга киритган бўлса, хотин-кизлар ўртасидаги бахсларда таиландлик Банжапон Промма, марокколик Хаджия Эддбаи, норвегиялик Фотима Пинто ва россиялик Валерия Дроздова шохсупанинг юқори поғонасидан жой олди.

> Байрам АЙТМУРОДОВ, ЎзА мухбири

Денис Истомин —

Тошкент челленжери голиби

Пойтахтимизда теннис бўйича эркаклар ўртасида мукофот жамғармаси 125 минг АҚШ доллари бўлган челленжер мусобақаси бўлиб ўтди. Унда йигирмадан ортиқ давлатдан теннисчилар иштирок этишди.

Мусобаканинг асосий турида 9 нафар теннисчимиз кортларга тушган бўлишига қарамай, улардан Денис Истомин, Фаррух Дўстов, Мурод Иноятов иккинчи боскичга



чикди. Учинчи боскичга Истомин ва Иноятов йўлланма олди. Улар чорак финалда бир-бирига қарши кортга чикди ва учрашувда Истомин галаба қозонди — 6/3, 6/2. Ярим финалда Истомин россиялик Константин Кравчукни маглубиятга учратди — 7/6, 7/ 5. Нихоят кескин ўтган финалда Истомин эстониялик Юрген Зоппдан устун келди — 6/4, 6/3.

Денис Истомин ўтган бир ой ичида Самарқанд, Қарши, Истанбул ва Тошкент челленжер мусобақалари голиби бўлди. У айни пайтда Куала-Лумпурдаги шундай тоифадаги мусобақада қатнашаяпти.

«Бунёдкор», «Насаф», «Пахтакор»

Футбол бўйича мамлакатимиз 20-миллий чемпионатининг 21-тур ўйинлари ўтказилди.

«Сўғдиёна» — «Насаф» — 0:2, «Шўртан» - «Нефтчи» - 4:0, «Металлург» — «Андижон» — 4:1, «Навбахор» — «Кизилкум» — 3:0, «Машъал» — «Олмалиқ» — 1:0, «Бухоро»



«Пахтакор» — 0:0, «Бунёдкор» — «Динамо» — 2:0. Кучли учликда бораётган «Бунёдкор» да 20 ўйиндан кейин 52, «Насаф»да 21 ўйиндан кейин 44, «Пахтакор»да 19 ўйиндан кейин 38 очко бор.

(Ўз мухбиримиз).

Реклама ва эълонлар



Узбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки

ўзининг Бош офиси. Ўзбекистон Тасвирий санъат галереяси, Миллий банк бўлимлари ва филиаллари учун видеокузатув тизимларини етказиб бериш хамда уларни шундай ускуналар билан жихозлаш хизматларини кўрсатувчи компанияни танлаш бўйича очик тендер ўтказилишини

эълон килади

Тендер савдоларида Ўзбекистон Республикаси худудида, жумладан давлат муассасаларида шундай лойихаларни амалга ошириш борасида камида 5 йиллик тажрибага эга бўлган юридик шахслар махаллий ва хорижий ташкилотлар қатнашишлари мумкин. Бунда уларнинг тендерда қатнашишлари ёки шундай ишларни Ўзбекистон Республикасида бажаришлари Ўзбекистон Республикасининг ёхуд улар давлат рўйхатидан ўтган мамлакатнинг қонун хужжатларида тақиқланмаган бўлиши шарт.

Тендерда қатнашиш учун буюртманомалар (банк белгилаган шаклда) юридик шахслардан 17 календарь куни муддатида қабул қилинади.

Олинган тендер хужжатлари асосида тайёрланган тижорат таклифларини (оферт) қабул қилиш 2011 йил 14 ноябрь куни соат 17:00 да тўхтатилади.

Буюртманома шаклини ва тендер хужжатларини (офер-

тани) олиш ҳамда тижорат таклифларини юбориш учун манзил: 100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент

шахри, Амир Темур шохкўчаси, 101.

«Ўзмиллийбанк» Бош маъмурий биноси

Телефон: **238-56-49,** Интернет-сайт www.nbu.com

Алоқада бўлувчи шахс: Андрей Сергеевич Грабовец.

Abdulla ORIPOV

Latif G'ULOMOV

Sharbat ABDULLAYEVA

Murodulla ABDULLAYEV

Bobir ALIMOV



«ЎЗСАНОАТКУРИЛИШБАНК»:

Сармоялар салмогига яраша

иш кўлами хам кенгаймоқда

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини бермокда. Ракамларга мурожаат килсак, мустақиллик йилларида иқтисодиётимиз тахминан 3,4 баробар ўсди, ахолининг ялпи даромади тахминан қарийб 9 марта ошди. Иқтисодиётимизнинг барқарор ва изчил ривожланишида, турмуш фаровонлигининг йил сайин ошишида молия сохасининг муносиб хиссаси бор, албатта. Буни «Ўзсаноатқурилишбанк» жамоаси томонидан кейинги йилларда амалга оширилган ишлар мисолида хам кўриш мумкин.

Эътиборлиси, мазкур банк мамлакатимиз молия бозорида етакчи мавке ва муносиб ўринга эга. Бугунги кунда у йирик инвестициявий лойихаларни молиялаштиришда фаол қатнашмоқда, нефть-газ, кимё саноати, энергетика, қурилиш, транспорт, алоқа ва таъминот корхоналарига кенг кўламли хизмат кўрсатиб келмокда. Шунингдек, банкнинг банкрот корхоналарни согломлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик сохасини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси ҳам катта.

Банк мамлакатимиз бўйлаб жойлашган ўзининг 43 та филиали, 90 га якин минибанки, 170 га якин жамғарма кассаси, 300 га якин махсус касса ва валюта айирбошлаш шохобчалари хамда 4500 га яқин тўлов терминаллари орқали 50 га яқин турдаги сифатли молиявий хизмат кўрсатмоқда. Шунингдек, «SMS-Banking», инфокиоск, «On-Line» уй банки тизими, «Internet-Banking» каби янги, замонавий хизмат турлари хам ахолига такдим этилмокда.

Таъкидлаш жоизки, «Ўзсаноаткурилишбанк» фаолияти нуфузли халқаро молиявий муассасаларнинг юксак бахосига сазовор бўлмокда. Чунончи, бир йилнинг ўзида жахоннинг иккита нуфузли «Fitch Ratings» ва «Standart@Poor'S» рейтинг агентликлари банкни истиқболли, ишончли ва барқарор молиявий муассаса сифатида эътироф этди. Бундай юксак бахога банк жамоаси самарали фаолияти учун муяссар бўлди.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурида белгилаб берилган вазифаларнинг изчил ижросини таъминлаш «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг доимий диққат марказида. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш, шу асосда ахоли бандлиги ва фаровонлигини янада ошириш юзасидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Чунончи, жорий йилнинг 1 сентябрь холатига кўра, кичик бизнес субъект-

ларига 202,0 миллиард сўм микдорида сармоя ажратилди. Пировардида 4 минг 158 нафар янги иш ўрни яратилди. Шу билан бирга, ишбилармон хотин-қизларни молиявий кўллаб-кувватлаш хам ўз самарасини бермокда. Ўтган саккиз ой мобайнида банк томонидан тадбиркор аёлларга 12,2 миллиард сўм микдорида кредит берилди. Шунинг хисобига 348 нафар иш ўрни ташкил этилди. Бундан ташқари, Президентимизнинг тегишли қарорларига кўра, озик-овкат махсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун банк 40,3 миллиард сўмлик, ноозик-овкат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш лойихаларига 41,7 миллиард сўмлик сармоя йўналтирилди. Касб-хунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш

лион сўм кредит ажратилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига

лойихаларига эса 673,0 мил-

тиш кўламини кенгайтириш ва сифатини янада яхшилаш мақсадида банкнинг барча филиалларида «Тадбиркорлар хонаси» ташкил этилган. Шунингдек, «Ўзсаноатқурилишбанк» ташаббуси билан тадбиркорлик субъектларини янада ривожлантириш, олий ва ўрта махсус билим юртлари талабаларининг янги бизнес гояларини қўллаб-қувватлаш мақсадида «Энг яхши бизнес лойиха», «Энг яхши инновацион бизнес гоя» танловлари ўтказилиб, голиблар имтиёзли кредит ва совгалар билан тақдирланди. Хозир банк томонидан бир қатор йўналишлар бўйича янги танловлар эълон килинган.

молиявий хизматлар кўрса-

Қисқача айтганда, банк фаолияти мамлакатимиз равнақи ва турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган. Зеро, сармоялар салмогига яраша иш кўлами хам кенгайиб бормокда.

Алишер РЎЗИЕВ. «Ўзбекистон овози» мухбири.

Миллий матбуот марказида

Барқарор тараққиёт таълими

Табиатни мухофаза килиш давлат қўмитаси «Чинор» ЭНК хамда «Экосан» халқаро жамғармаси билан хамкорликда матбуот анжумани ўтказди. Унда Барқарор тараққиёт мақсадлари учун таълим концепциясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича таклиф-мулохазалар билдирилди.

Шунингдек, экология ва атроф-мухитни мухофаза килиш сохасига багишлаб нашр этилган янги адабиётларнинг такдимоти ўтказилди. Анжуманда мутасадди вазирликлар, идоралар, олий ўкув юртлари, жамоатчилик ташкилотлари мутахассислари хамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Юртбошимизнинг БМТ Бош Ассамблеясининг «Минг йиллик ривожланиш максадлари»га бағишланган ялпи мажлиси хамда Олий Мажлис палаталари кушма мажлисидаги маърузаларида таъкидланган вазифалардан келиб чиқиб, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ва бошка тегишли муассасалар томонидан Барқарор тараққиёт мақсадлари учун таълим концепцияси ишлаб чи-

Бугунги кунда Халқ таълими ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари Барқарор тараққиёт максадлари учун таълим концепцияси юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар режасини ишлаб чиқишди. Ундан зарур меъёрий-хукукий хужжатларни тайёрлаш ва тасдиклаш, барқарор тараққиёт таълимини давлат таълими стандартларига, ўкув режаларига босқичма-босқич киритиш, бу борада махсус ўқув қўлланмалари, услубий кўрсатмалар тайёрлаш, ёш авлодни экологик билимини мустахкамлаш каби бандлар ўрин олган.

 Кўмитамизнинг худудий бўлимлари хам Барқарор тараққиёт мақсадлари учун таълим концепциясини ўрганиш ва ҳаётга татбиқ этиш бўйича ўз фаолиятини бошлади, — деди Табиатни мухофаза қилиш давлат қўмитаси ахборот хизмати бош мутахассиси Хасан Турсунов. — Қўмитанинг жойлардаги бўлинмалари, халк таълими муассасалари, шунингдек, жамоат ташкилотлари вакиллари билан ҳамкорликда кўшма тадбирлар режасини тузмокда. Унда яна бир мухим масалага, яъни экологияга оид ўкув-услубий қўлланмалар, болалар учун китоблар, фотоальбомлар ва плакатларни тайёрлашга алохида эътибор каратилмокда

Экологик таргиботни янада кучайтириш мақсадида ўтказилаётган «Атроф-мухитни мухофаза қилиш ва барқарор тараққиёт сохасидаги энг яхши журналистик ишлар учун ОАВ вакилларига Республика танлови» тўгрисида маълумот берилди.

Абдусалим МАХМУДОВ

ОБ-ХАВО	27-28.09. 2011			
	БУГУН		ЭРТАГА	
ошкент	**	25°C	袋	27°C
Самарқанд	稳	23°C		28°C
łykyc	**	21°C	**	26°C

26°C ☆ 31°C Қарши 21°C 26°C Урганч 袋 Навоий 23°C 28°C Фаргона ☆ 27°C 23°C 28°C Бухоро Андижон 容 22°C ☆ 27°C Наманган 22°C 27°C ** 26°C 31°C Термиз Жиззах 23°C 28°C Гулистон 23°C 28°C 23°C 28°C Тошкент вил. Лондон 20°C 21°C Париж 26°C Москва 31°C 26°C Мадрид 36°C 37°C Пекин 31°C 30°C Гонгконг 33°C 33°C Рим 29°C 30°C Анқара 31°C 31°C 33°C 34°C Токио Стокгольм 19°C 20°C Кейптаун 25°C 27°C 33°C 32°C

Кохира

Гавана

Вашингтон

MUASSIS:



MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek MUSTAFOYEV Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari) **G'affor HOTAMOV** (Bosh muharrir o'rinbosari)

Muslihiddin **MUHIDDINOV Ochilboy RAMATOV** Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR: Partiya hayoti - 233-10-13; Madaniyat va sport - 233-69-45;

ljtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; lamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targʻibot — 233-12-56; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-ragam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxong manzili: Buyuk Turon koʻchasi, 41-uv. Gazeta ofset usulida. A-2 formatida bosildi. Haimi 2 bosma tabog.

Gazeta seshanba, payshanba ya shanba kunlari chiqadi. «Oʻzbekiston ovozi» materiallarini

ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz Г — 946 10439 nusxada

t — Tijorat materiallari Topshirish vaqti — 21.00 OʻzA yakuni — 21.10 bosildi. Topshirilgan vaqti — 00.00

Navbatchi Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV. Zafar BAKIROV

⇒ 32°C

30°C

32°C

